Фитна чиқарадиган тоифалар (иккинчи мақола)

Image not found or type unknown



17:23 / 08.04.2024 2169

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ فَارَقَ الْجَمَاعَةَ شِبْرًا فَقَدْ خَلَعَ

رِبْقَةَ الْإِسْلَامِ مِنْ عُنُقِهِ

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жамоатдан бир қарич узоқлашса, бўйнидан Ислом бўйинбоғини ечган бўлади», дедилар».

Шарҳ: Бошқача айтиладиган бўлса, бу иборанинг маъноси Исломдан чиқади, деганидир. Шунинг учун мусулмонлар оммасидан четга чиқмаслик лозим.

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: كَيْفَ أَنْتُمْ وَأَئِمَّةٌ مِنْ بَعْدِي يَسْتَأْثِرُونَ بِهَذَا الْفَيْءِ قُلْتُ: إِذَنْ وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ أَعْصِيَنَّ فِي عَلَى عَاتِقِي ثُمَّ أَضْرِبُ بِهِ حَتَّى أَلْقَاكَ، قَالَ: أَوَلَا أَدُلُّكَ عَلَى خَيْرٍ مِنْ ذَلِكَ؟ تَصْبِرُ حَتَّى

تَلْقَانِي. رَوَى هَذِهِ الثَّلَاثَةَ أَبُو دَاوُدَ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлар мендан кейин келиб, мана бу ўлжани ўзлариники қилиб оладиган имомларга қандоқ муносабатда бўласизлар?»** дедилар. «Сизни ҳақ ила юборган Зот ила қасам, қиличимни елкамга олиб, сизга етишгунимча у билан жанг қилайми?» дедим. У зот: **«Сенга бундан ҳам яхши нарсани айтайми? Менга етишгунингча сабр қиласан»**, дедилар».

Ушбу уч ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бундан давлат мол-мулкини ўзиники қилиб олган ҳукмдорларга қарши қурол кўтариб, жанжал қилгандан кўра сабр қилиш афзаллиги келиб чиқади.

وَخَطَبَ عُمَرُ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ بِالْجَابِيَةِ فَقَالَ: أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي قُمْتُ فِيكُمْ كَمَقَامِ رَسُولِ اللهِ r فِينَا فَقَالَ: «أُوصِيكُمْ بِأَصْحَابِي ثُمَّ الَّذِينَ يَلُونَهُمْ ثُمَّ

وُشْ يَفْ يِّ مُ ثُمْ يَ لَ وُ نَ هُ مُ ْ ثُ مُ يِّ يَ فَ ْ شُ
الَّذِي نَ يَ لَ وُ نَ هُ مُ ْ ثُ مُ يِّ يَ فَ ْ شُ
ُ لُ جُّ رِ لْ فِ يَ حَ تَّ ىٰ بُ ذِ كْ لْ ا
ُ لُ جُّ رِ لْ فِ يَ حَ تَّ ىٰ بُ ذِ كْ لْ ا
َ دَ هْ شَ يَ وُ فْ لَ حَ تْ سُ يَ ا لَ وَ
َ دَ هْ شَ يَ وُ فْ لَ حَ تْ سُ يَ ا لَ وَ
ا لَ ا ، ُ دَ هْ شَ تْ سُ يَ ا لَ وُ دِ هِّ شا لْ
ا لَ ا ، ُ دَ هْ شَ تْ سُ يَ ا لَ وُ دِ هِّ شا لْ
َ نَ ا كَ ا لَّ ا ِ ةَ أَ ا لَ ا ، ُ
َ نَ ا كَ ا لَّ ا ِ ةَ أَ ا لَ ا ، ُ
ي خَ لْ وُ نَ رِّ جَ لُ ْ بِ ا مْ رِ أَ
ي خَ لْ وُ نَ رِّ جَ لُ ْ بِ ا مْ رِ أَ
ْ مُ كَ يْ لَ عَ ، نا طْ يَّ شلا مُ هُ مْ ثِ لا
ْ مُ كَ يْ لَ عَ ، نا طْ يَّ شلا مُ هُ مْ ثِ لا
َ ةَ قْ رُ فْ لا وَ مْ كُ يَّ ا وِ ـهِ وَ ـِ عا مَ جْ لِ ا
َ ةَ قْ رُ فْ لا وَ مْ كُ يَّ ا وِ ـهِ وَ ـِ عا مَ جْ لِ ا
ِ ن ا لْ وا حِ دِ وَ هُ وَ ـ ِ ع َ ن ا طْ يَّ شلا فإ
ِ ن ا لْ وا حِ دِ وَ هُ وَ ـ ِ ع َ ن ا طْ يَّ شلا فإ
َ دَ عْ بَ أَ ـِ ي نْ يَ ثِ ا لِ ا ن مِ
َ دَ عْ بَ أَ ـِ ي نْ يَ ثِ ا لِ ا ن مِ
ِ مَ زْ لَ يْ فَ ـِ ة َّ نَ جْ لا ـَ ح وُ بُ ْ
ِ مَ زْ لَ يْ فَ ـِ ة َّ نَ جْ لا ـَ ح وُ بُ ْ
ُ ه تَ نَ سَ حَ ُ ه تْ رَ سَ ْ نَ مَ ـَ ع ا مَ جْ لا
ُ ه تَ نَ سَ حَ ُ ه تْ رَ سَ ْ نَ مَ ـَ ع ا مَ جْ لا
ُ ه تْ ءَ ا سَ وَ ُ ه تَ ئِّ يَ سَ ُ ه تْ
ُ ه تْ ءَ ا سَ وَ ُ ه تَ ئِّ يَ سَ ُ ه تْ
ُ ن مِ ؤْ مُ لْ ا
ُ ن مِ ؤْ مُ لْ ا

Умар розияллоҳу анҳу Жобияда хутба қилиб, шундай деди: «Эй одамлар! Мен ҳозир орангизда тургандек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бизнинг орамизда туриб, шундай деганлар: **«Сизларга асҳобларимни, сўнг улардан кейингиларни васият қиламан. Кейин ёлғон тарқайди, ниҳоят, бир кишидан қасам талаб қилинмаса ҳам қасам ичадиган, гувоҳлик талаб қилинмаса ҳам гувоҳлик берадиган замон келади. Огоҳ бўлинглар! Эркак билан** (номаҳрам) **аёл холи қолса, учинчилари шайтон бўлади. Жамоатни маҳкам тутинглар, тафриқадан ҳазир бўлинглар. Шайтон ёлғиз киши биландир, у икки кишидан узоқроқ бўлади. Ким жаннатнинг қоқ ўртасини истаса, жамоатни маҳкам тутсин. Ким яхшиликларидан хурсанд бўлса, ёмонликларидан маҳзун бўлса, ана ўша ҳақиқий мўминдир».**

Шарҳ: Бу ерда ҳам мусулмонларни динни маҳкам тутган оммадан, жамоадан ажрамасликка тарғиб қилиш бор.

وَقِيْلَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ عَلَيْنَا أُمَرَاءُ يَمْنَعُونَا حَقَّنَا وَيَسْأَلُونَا حَقَّهُمْ فَقَالَ: اسْمَعُوا وَأَطِيعُوا فَإِنَّمَا عَلَيْهِمْ مَا حُمِّلُوا وَعَلَيْكُمْ مَا حُمِّلْتُمْ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Тепамизга ҳаққимизни бермайдиган, лекин биздан ҳаққини сўрайдиган амирлар келса нима қилайлик?» дейишди. У зот: **«Қулоқ солиб, итоат қилинглар. Уларга ўзининг гуноҳи, сизларга ўзингизнинг гуноҳингиз»** , дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бунда мусулмонлар орасида фитна чиқиб, уларнинг бошига катта мусибатлар тушишига сабаб бўлмаслик кўзда тутилган.

(Тамом)

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан